ЮБИЛЕЙ ЭСТАФЕТАМИЗ

БУ РАЙОН — ТОШКЕНТДА ЭНГ КЕКСА РАЙОН. ШУНИНГ УЧУН ҲАМ БУ ЖОЙ ИЛГАРИ ЭСКИ ШАҲАР, ДЕБ НОМЛАНГАН.

ҲОЗИР ОКТЯБРЬ НОМИ БИЛАН ЮРИТИЛАДИ. ҚАДИМГИ ЭСКИ ШАҲАР ЎЗБЕКИСТОН ПОЙТАХТИНИНГ СИЕСИЙ, САНОАТ ВА МАДАНИЙ РАЙОНИГА АЙЛАНГАН.

РАЙОННИНГ ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ. ЛОЙИҲАЧИЛАРНИНГ ВАТМАН ҚОҒОЗЛАРИ САҲИФАЛАРИДА БАЛАНД УЙЛАР, МАЙДОНЛАР, ХИЁБОНЛАРНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАЛАРИ ПАЙДО БУЛМОҚДА. РАЙОНДА ҲАЁТ ҚАЙНАМОҚДА. УРДА БИЛАН ШАЙХАНТОҲУР ОРАСИДА, ҚОРАҚАМИШДА, СТУДЕНТЛАР ШАҲАРЧАСИДА, ОҚТЕПА МАССИВИДА — ҲАММА ЕРДА МИНОРА КРАНЛАРИНИНГ ҲАРАКАТЛАНИБ ТУРГАНЛИГИГА ГУВОҲ БУЛАСИЗ. МАМЛАКАТИМИЗ ОЛТИН ТУЙИ АРАФАСИДА ЮБИЛЕЙ ЭСТАФЕТАСИНИ ОКТЯБРЬ НОМИ БИЛАН АТАЛГАН РАЙОНГА ТОПШИРАМИЗ.

БИЗ МАҚСАДГА — КОММУНИЗМ ҚУРИШГА ОЛИБ БОРАДИГАН ТЎҒРИ ЙЎЛДА ТУРИБМИЗ, СОВЕТ ЖАМИЯТИНИНГ БУТУН ЯРИМ АСРЛИК ТАРАҚҚИЁТИ ШУ ЙЎЛНИ ТАЙЁРЛАБ БЕРДИ.

(КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ «УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» ТЕЗИСЛАРИДАН)

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

2-йил чиқиши.
2 НОЯБРЬ 1967 й.
ПАЙШАНБА
№ 258 (413)
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.



СУРАТДА: Республикамизнинг биринчи президенти И. Охунбобоев ҳайкали.

М. Нуриддинов фотоси.

Октябрь байроғи остида

Т. СОДИҚОВ,
ОКТЯБРЬ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ

ОКТЯБРЬ! Бизнинг районимиз шундай муборак ном билан аталади. Тошкентнинг ҳар бир районини шу ном билан аташ мумкин бўлар. Бироқ, бизнинг Эски шаҳар Улуғ Октябрнинг буюк ўзгартирувчилик кучини ёрқинроқ намойиш этади. Революцион ўтмишимиздан фахрланиш, бугунги қувончимиз, порлоқ келажагимизга бўлган комил ишончимиз — буларнинг ҳаммаси Октябрь туфайлидир.

Районимиз яна шунинг учун ҳам Октябрь номи билан аталадики, революция худди шу ерда шаҳар меҳнаткашларига ер, озодлик ва эркин меҳнат берди. Ўтмишдан бизга фақат масжидлар, пастқам кўчалар, кўримсиз уйлар, саводсизлик мерос бўлиб қолди.

Эски шаҳар большевиклари Тошкент коммунистлари билан бирга халқни синфий жанглар билан ҳокимиятни қўлга олишга отлантирган, Октябрь ғалаба қилган ўша вақтдаёқ ота-боболаримиз бугунги кунларимизни орзу қилган эдилар.

Коммунистлар ҳамиша олдинги сафда борадилар, марксизм-ленинизмнинг ҳаётбахш ғоялари билан қуролланган ҳолда олдинга назар ташлайдилар.

Совет ҳокимияти барпо қилинган дастлабки кунлардаёқ улар Эски шаҳар райони — ҳунармандлар, камбағаллар жойлашган, районда ишчи ва инженерлардан иборат ажойиб кадрлар етишиб чиқишини, социалистик интеллигенция аҳолининг меҳнаткаш қатламларидан етишиб чиқишини билар эдилар. Районда университет ва театрлар, театрлар ва кинолар, телевидение ва радио, кутубхоналар ва газеталар, мактаблар ва касалхоналар бўлишини билар эдилар. Бунинг учун ҳокимиятни ўз қўлларига олишлари керак эди.

Дарҳақиқат 50 йил ичида кўпгина нарсалар бунёд этилди. Қадимги Эски шаҳар ийрик сиёсий хўжалик ва маданий марказга айланди.

Бешйилликдан бешйилликка қадар район хўжалиги, унинг саноати юксалиб борди. Қадимий кўримсиз устахоналар ўрнида Ўзбекистон Тракторйигув заводи, радиодеталь, чинни, авторемонт, шина ремонт, «Средазэнергоцветмет» каби корхоналар, ирригация машиналар бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси, пойафзал ва пиллакашлик фабрикалари барпо этилди.

Бу корхоналар замонавий техника билан жиҳозланган. Уларни бизнинг олтин фондимиз бўлган ишчилар, инженерлар, техниклар пухта эгаллаб олганлар.

Фабрика ва завод маркасини эъзозлаш ишчилар коллективларининг ўзига хос хусусиятидир. Шунинг учун ҳам район саноат корхоналарининг маҳсулотлари мамлакатимиздагина эмас, ҳатто чет элларда ҳам манзур бўлмоқда.

Эндиликда Октябрь районимиз олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот институтлари, техникумлар, юксак даражада ривожланган саноат районига айланиб қолди.

Районда ажойиб олий ўқув юртлари шаҳарчаси тикланган. Унга В. И. Ленин номли ТошДУ нинг физика, химия факультетлари корпуслари, ТошПИ, Физкультура институтларининг факультетлари жойлашган.

Фақат политехника институтининг узидагина ҳозир 100 кафедра бор. Бу ерда 1400 ўқитувчи, жумладан 25 фан доктори ва профессор, 247 фан кандидати ишлаб турибди.

1934 йили Тошкент политехника институтини 82 мутахассис тамомлаб чиққан эди. Бу йил эса 1000 дан ортиқ киши диплом олди.

Октябрь районида республика пахтачилигини ривожлантиришга ҳам катта ҳисса қўшмоқда. Бу республика Қишлоқ хўжалиги, Мелиорация ва сув хўжалиги министрликлари шу ерда жойлашганлиги билангина изоҳланмайди. «Средазгипроводхлопок», «Узгипроводхоз» институтлари, ирригация машиналари бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси лойиҳалари асосида Ўзбекистон ва Ўрта Осиёда ажойиб гидротехника ва ирригация иншоотлари барпо қилинди.

Меҳнаткашларнинг ҳаёти нжодий воқеаларга бой. Ҳозир районда еттита олий ва ўрта махсус ўқув юрти 52 мактаб, нашриётлар, «Узгоспроект» институти, телестудия, «Пахтакор» стадиони, медицина ва маданий оқартув муассасалари тармоқлари, театрлар, 2 та маданият ва истироҳат боғи бор. Санъат саройи фақат шаҳримизнигина эмас, балки республикамизнинг фахридир.

Ҳозир Ўрта Осиёда дастлабки ёпиқ коток Олимпия шаҳарчаси тикланмоқда.

Фақат кейинги йилларнинг ўзида Оқтепа, Қорақамиш, Бешқайрағоч ва бошқа уй-жой массивлари ташкил топди. Уларни «Ташгипрогор» институти лойиҳалаштирган.

Водопровод, газлаштириш, телефон, канализация, тролейбус, трамвай ва автолинялар тармоқлари ривож топди, у шаҳарнинг ҳамма томонлари билан районни боғлаб туради. Аммо биз яна бошқа нарса — Совет ҳокимияти йилларида рўёбга чиққан энг қимматли нарса билан фахрланамиз. Бу янги кишининг шаклланганлигидир.

Районнинг истиқболи ҳам порлоқ. Биз давлат топшириқларини муваффақиятли бажармоқдамиз. Юбилей йилининг ўн ойлик плани саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича муддатидан илгари — 24 октябрда бажарилди. Район меҳнаткашлари беш йиллик планни 1970 йилнинг 7 ноябрида бажаришга аҳд-паймон қилдилар.

Октябрь районимиз ҳамиша ишни эрталаб барвақт бошлайди. Пиёдаларнинг ана шу оқимларига эътибор қилинг-а! Автобусларда кетаётганларнинг сон-саноғига етиб бўлмайди. Уларнинг шу бориши район меҳнаткашларининг эрталабки намойишига ўхшайди. Ишчилар станоклари ёнига, бинокорлар ҳавозаларга кўтарилишга, педагоглар синфларга киришга, кафедраларни эгаллашга, конструкторлар чертеж доскалари олдига етиб боришга, олимлар янги тажрибаларни ўтказишга ошиқмоқдалар.

Мана шу вазиятда бутун кучи ва истеъдодини замона билан баб-баравар боришга бағишлаган меҳнаткашларнинг ички туйғуларини яққол тасаввур қилиш мумкин. Улар вақтдан ютишга интиладилар.

«Октябрь революциясининг 50 йиллиги юксак мароқларидан туриб партия, совет халқи янги-янги вазифаларни янада муваффақиятлироқ ҳал қилиш учун босиб ўтилган йўлни чуқур таҳлил этмоқда», деёлади КПСС Марказий Комитети Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги Тезисларида.

Район коммунистлари ва меҳнаткашлари босиб ўтилган йўлга назар ташлаб, меҳнат натижаларини обдон ҳисоб-китоб қиладилар, унга холис баҳо берадилар ва янги вазифаларни белгилайдилар. Ишонч билан айтиш мумкинки, иккинчи 50 йилликда ўтган ярим асрда қўлга киритилганидан ҳам кўпроқ муваффақиятларга эришилади.

УЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДУМИДА

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигини нишонлаш учун 1967 йил 6 ноябрда Тошкент шаҳридаги Санъат саройида Тошкент область ва шаҳар партия комитетлари аъзолари, меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область ва шаҳар Советлари депутатларининг иштироки билан Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Узбекистон ССР Олий Советининг қўшма тантанали мажлисини ўтказишга қарор қилдилар.

✦ ✦ ✦

Тантанали мажлис қатнашчилари 1967 йил 4 ноябрь соат 10 дан 17 гача ва 5 ноябрь соат 10 дан 19 гача Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида рўйхатга олинади. Телефон номери 95-457.

• *СССР Олий Совети Президиумининг фармони*

ОЛИЙ МУКОФОТ МУБОРАК

Улуғ Октябрь социалистик революцияси иштирокчилари, кекса большевиклар, собиқ қизилгвардиячилар, Қизил Армия ва Флот жангчилари ва командирлари, қизил партизанлар, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари революцион комитетлар, Бутуниттифоқ Фавқулодда Комитети ва милиция ходимлари, махсус белгиланган қисмлар, озиқ-овқат отрядларининг жангчилари ҳамда 1917-1922 йилларда Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун курашда ўрнак кўрсатган Ўзбекистон ССРда яшовчи кишиларни СССР орден ва медаллари билан мукофотлаш тўғрисида.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси, гражданлар уруши ва 1917—1922 йилларда Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун курашда актив иштирок этганлиги учун, Улуғ Октябрнинг эллик йиллиги муносабати билан қуйидаги кишилар мукофотлансин.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА

ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН

Аҳмедов Алаутдин Захрутдинович
Ғойибжонова Шамсиқамар Файзуловна
Егорова Мария Федоровна
Епифанов Николай Иванович
Желтиков Федор Никифорович
Козлов Александр Платонович
Макаров Алексей Семенович
Назаров Иван Дмитриевич
Сафонов Константин Федорович
Серечев Александр Александрович
Силин Ян Янович
Толипов Абдураҳим
Тимофеев Михаил Григорьевич
Шерешевская Роза Генриховна

ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Абдуллаев Раҳматулла
Адамович Михаил Михайлович
Баранов Николай Николаевич
Байбеков Муҳаммад Содиқович
Берсенов Павел Павлович
Васильев Павел Иванович
Владирский Федор Андреевич
Гаврилов Георгий Антонович
Гарни Владимир Антонович
Губарьков Тимофей Иванович
Жогов Василий Андреевич
Иванов Алексей Степанович
Король Борис Данилович
Легчиков Иван Андрианович
Мамедов Мамед Мамедович
Мешчеркин Михаил Иванович
Нусберг Август Мартинович
Петросян Петр Александрович
Трипольский Михаил Вавилович
Хасюк Лев Ильич
Химионов Василий Ильич
Хомичевский Антон Станиславович
Чернецкий Иван Кузьмич
Юсупов Фаттоҳ
Юсупова Зуҳра

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Васильевский Полидкарп Павлович
Дианова Мария Кузьминична
Иброҳимова Тўрахон
Литвиненко Андрей Андреевич
Макарова-Крутик Клавдия Евгеньевна
Мустақоев Абдулла Ҳасанович
Насруллин Гариф
Новиков Трофим Александрович
Тарасов Кузьма Федорович
Шапкин Матвей Яковлевич

ҚИЗИЛ ЮЛДУЗ ОРДЕНИ БИЛАН

Абдуллин Мухсин Алайхонович
Абдураҳмонов Мамажон
Абрамов Дмитрий Дмитриевич
Авилов Федор Макарович
Агапов Петр Степанович
Азимов Шариф
Алиев Абдулла Шарифқулович
Арзамасцев Павел Константинович
Асцатуров Семён Александрович
Багдасаров Александр Григорьевич
Байер Георгий Георгиевич
Бакланов Иван Андреевич
Батигин Александр Степанович
Бевзов Иван Ананьевич
Белавин Сергей Ильич
Бикрицкий Матвей Моисеевич
Бобков Павел Иванович
Богданов Николай Георгиевич
Богомолов Павел Михайлович
Бочаров Арсений Игнатьевич
Брессо Иван Георгиевич
Бронеславский Георгий Александрович
Васильев Александр Федорович
Васильев Иван Иванович
Верховский Николай Дмитриевич
Витолин Александр-Рудольф Карлович
Вихрев Федот Никифорович
Вишневский Симон Леонардович
Волков Иван Николаевич
Воробьев Владимир Иванович
Галашко Станислав Иванович
Гафаров Ғалимжон Ғайнованович
Гибшман-Ивановский Израиль Давидович
Гличников Федор Степанович
Гольцов Виктор Иванович
Горобец Лаврентий Фадеевич
Грамотович Александр Феофилович
Гусейнов Сафар Гусейнович
Давлатюсупов Мустафо Хасиянович
Девятов Раҳим Хамзич
Демошкевич Алексей Федорович
Егоров Владимир Иванович
Егоров Петр Егорович
Елисов Николай Алексеевич
Ермолаев Григорий Павлович
Журавский Давид Соломонович
Забродин Николай Александрович
Зотов Иван Антонович
Иброҳимов Ғиля
Игнатов Николай Павлович
Игуменов Александр Павлович
Исабоев Ориф Хабибулович
Исатов Семён Явковлевич
Катков Яков Андреевич
Кашигин Алексей Алексеевич
Князев Николай Дмитриевич
Коваленко Кирилл Федорович
Комаров Федор Дмитриевич
Королев Иван Андреевич
Косарев Федор Николаевич
Котельников Исай Степанович
Краснов Александр Евлампиевич
Крист Василий Иванович
Крюков Андрей Георгиевич
Кузнецов Александр Сергеевич

(Давоми 4-бетда).

БАЙРАМ КОЛОННАСИДА

Беш қиррали бу юлдуз намойишчилар колоннасини бир-биридан ажратиб турибди. Автомашинага ўрнатилган бу юлдузнинг қадди қарийб икки қаватли уйдек.

Юлдузда ўроқ ва болға акс эттирилган, унинг четида Октябрь райони меҳнаткашларининг Совет ҳокимияти йилларида эришган муваффақиятларини ҳикоя қилувчи суратлар жойлаштирилган.

Байрам колоннасининг олдида борадиган панно мана шундай.

Ишчиларнинг коллективлари 7 ноябрда В. И. Ленин майдонидан виқор билан ўтиб борадилар.

СССР халқларининг миллий либосларини кийган студентлар иттифоқдош республикалар байроқларини кўтариб ўтадилар.

Колоннанинг бошланишида катта ҳажмдаги ўнта тематик панно бўлади. Унда совет халқининг 50 йил мобайнида босиб ўтган қаҳрамонона йўли акс эттирилади.

Байрам колоннасида революция ветеранлари, театрларнинг артистлари, бадиий ҳаваскорлик тўгарагларининг қатнашчилари борадилар.

ПОЙАФЗАЛЧИЛАР ЯНГИЛИГИ

2-пойафзал фабрикасининг меҳнаткашлари ўн ойда тежалган материаллар ҳисобига 19 минг жуфтдан кўпроқ пойафзаллар ишлаб чиқардилар. Пойафзалчилар байрам шарафига кўпгина янгиликлар яратдилар. Эркаклар учун такомиллаштирилган сифатли пойафзаллар, хотин-қизларнинг баланд пошнали туфлилари ва бошқа хил маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилди.

Йил охиригача яна қўшимча равишда 3 минг жуфт пойафзал ишлаб чиқарилади.

В. КРЯЖЕВА,
фабрика бичиқчиси.

Совет трактори



Заводимизга келган ҳар бир кишининг эътиборини бу ердаги дунё харитаси ўзига жалб қилади. Унда бизнинг тракторимиз хорижий мамлакатлардан қайсиларига юборилиши кўрсатилган. Улар — Куба, Ҳиндистон, Ироқ, Цейлон, Сурия, Югославия, Жазоир, ВДР, БАР, Греция, Туркия, Болгария, Бразилия, Покистон, Испания, Эрон, Афғонистон ва бошқалар.

Биз ишлаб чиқараётган машина Ўзбекистоннинг ва СССРнинг чет элга юборадиган маҳсулотларидан экани билан фахрланамиз.

Трактор йиғув заводи коллективи ўзининг меҳнат фаолиятини урушдан 10 йил кейин қурилган кон-шахта ускуналари заводи базасида бошлаган эди. Ўша вақтда кичик габаритли землесослар ва экскаваторлар учун эҳтиёт қисмлар тайёрлардик, кейинчалик пахта тозалаш ускуналари ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик.

Лекин 1960 йилда ёқ пахтачиликка мослаштирилган тракторлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириб олдик. Шундан 3 йил кейин завод дарвозасидан «Т-28х3» маркали тракторлар чиқа бошлади.

Юбилей йили биз учун ўзгача бўлди.

Январь ойида конвейердан 100-мингинчи трактор тушди. Техника тараққиёти йўлида янги катта қадам ташладик. «Т-28х4» маркали пахтачиликка мослаштирилган қудратли тракторлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга киришдик. Бу «ХТ-1,2» машинасига қараганда пахта теришда меҳнат унумдорлигини икки баравар ошириш имконини беради.

12 йил мобайнида завод қиёфаси тубдан ўзгарди. Поток линиялар, янги ускуналар, ярим автоматлар, токарлик дастгоҳлари, деталларни механизациялашган усулда ташиш — буларнинг ҳаммаси беш йилликда тўпланган ажойиб техника бўлиб, жуда яхши ишламоқда.

Мен планчиман. Рақамларсиз сўзлай олмайман. Улар ишлаб чиқаришнинг юксалишини шундоққина кўрсатиб беради, танлаб олинган техникавий ва иқтисодий сиёсат, завод коллективининг ишини акс эттиради.

Рақамлар эса қатъий. Фақат кейинги беш йилда меҳнат унумдорлиги 1,5 баравар кўтарилди, сотилган товар маҳсулоти 1,68 ҳиссага ортди, тракторлар ишлаб чиқариш 2,3 марта кўпайди, кўрилган фойда эса 3,4 баравар ортди.


Завод юксалиши билан бирга унинг одамлари ҳам ўсди. Ишчиларнинг реал иш ҳақи кўпайди. Ходимларнинг кўпчилиги обод уйларда яшамоқда. Ҳозир корхонада қарийб 600 киши коммунистик меҳнат зарбдори номини олган.

Заводнинг 20 ходими меҳнат мусобақасида эришган муваффақиятлари учун СССР орден ва медаллари билан мукофотланган. Штамповкачи Маргарита Сайнова ҳамда газ пайвандчи Павел Токарев Ленин орденига сазовор бўлганлар.

Биз меҳнат муваффақиятларимиз билан фахрланамиз. Ишончимиз комилки, тракторларимизни оладиган мамлакатлар сони яна ҳам кўпаяди.

Жаҳонга кўз-кўз қилишга арзийдиган ишларимиз бор!

Б. ГУБЕРОЗОВ,
трактор йиғув заводи план бўлимининг бошлиғи.



Октябрь район партия комитетининг мажлислар залида намойиш қилинаётган кўргазмага ўрнатилган «Средазэнергоцветмет» стенди эътиборни жалб қиладн. Бу коллектив тайёрлаётган аппарат ва приборлар Венгрия, Болгария, Румыния, ГДР, Чехословакия, Польша, Ҳиндистонга ҳам экспорт қилинмоқда.

Коллектив мамлакатимиз электр станциялари ва пахта заводлари учун ҳам кўпгина буюмлар тайёрлаб бермоқда.

Суратда: пахта заводларига тайёр маҳсулотларни жўнатиш пайти.

Районнинг хўжайинлари

Тошкентнинг ўтмиши... Унинг қаери ҳақида ўйласангиз ҳам Эски шаҳар кўз олдингизга келарди. У тўрт дарвоза бўлинганди: Кўкча, Себзор, Шайхантоҳур, Бешёғоч. Обод жойлар ҳақида гап кетганда Кўкалдош мадрасаси, Ҳотинмачит, имомлар, бойлар, савдогарларга қарашли бир қанча иморатлар хотирага тушарди...

Мана, Октябрь ғалаба қилди ва халқ шаҳар хўжайини бўлиб қолди.

1917 йилда халқ Эски шаҳар Советини сайлади. Халқнинг ўзи социализм қурилиши ишида фаол қатнашди. Барабора Эски шаҳар Совети ўрнида меҳнаткашлар депутатлари Октябрь район Совети ташкил топди.

Ленин партиясининг даъватига жавобан минглаб ишчилар ва деҳқонлар шаҳар ва мамлакатни бошқариш учун Советларга келдилар.

Асрлар давомида ҳокимлик қилган эксплуататорлар, оммадан узоқ бўлган мингбоши ва қозилар, пристав тўралар ва имомлар ўрнини халқдан чиққан янги давлат арбоблари, халқнинг ўзи сайлаган кишилар эгаллаб, шаҳарни бошқара бошладилар. Маҳаллий Советларнинг дастлабки депутатлари ишчи коржомаси, деҳқон тўни кийган Низомиддин Хўжаев, Абдушукур Абдурашидов, Нурмат Ҳолмуҳамедов, Зайниддин Илёсов ва бошқалар эдилар.

Кекса авлоднинг муносиб ворислари, Октябрь район Советининг ҳозирги депутатлари бу шарафли вахтани эгаллаб турибдилар.

Улар 300 киши турли миллатдаги ва ёшдаги ишчи ва хизматчи депутатлар. Бунга яна 1543 мустақил жамоат органларини қўшиш мумкин. Бу ташкилотларда қарийб 20 минг жамоатчи қатнашмоқда. Бу жамоат Советлари маданий-маиший ташкилотлар, клуб ва кутубхона Советлари, ота-оналар комитетлари, хотин-қизлар Советлари, уй ва маҳалла комитетлари, ўртоқлик судларидан иборат.

● ДЕПУТАТЛАР ВА ЖАМОАТЧИЛИК

Район ижроия комитети ҳузурида 4 та жамоатчи бўлим ташкил қилинган.

Район хўжайинларининг қўли ва ташаббуси билан эканомика соҳасида, маданият ва районнинг оммавий-сиёсий ҳаётида кўпгина ишлар қилинди.

Ижроия комитет мана шу вазифаларни адо этишда жамоатчиликка ва депутатларга таянади. 14 та доимий комиссия тузилган. Депутатлар орасида ишчан ва ташкилотчилар кўплиги кишини қувонтиради. Х. Раҳмонов, Н. Усмонова, чинни заводининг ишчиси Л. Раймова, каравот заводининг бўёқчиси А. Каримов ва бошқалар шулар жумласиндандир.

Депутатлар ишлаб чиқариш илғорлари бўлиб, оммавий сиёсий ишларда фаол қатнашадилар, сайловчиларнинг наказларини амалга оширадилар.

Жамоат ташкилотлари орасида маҳалла комитетлари алоҳида ўрин тутади. Улар ўз атрофларига аҳолининг бошқа жамоатчи ташкилотларини ҳам бирлаштирадилар. Октябрь районининг, «Илғор», «Октябрь 40 йиллиги», Калинин номли, «Гуручарик» маҳаллаларида халқ дружиналари, ота-оналар қомитетлари, ўртоқлик судлари, хотин-қизлар Советлари, ўт ўчириш дружиналари, медицина кенгашлари, маданий-оқартув, ободончилик Советлари ишлаб турибди.

Жамоатчилик асосида ишловчи ташкилий-инструкторлик бўлими яқинда маҳалла комитетларининг район активини ўтказди. Активда маҳалла комитетларининг раислари иш тажрибаларини ўртоқлашдилар, ижроия комитет ва унинг бўлимлари номига ўз истак ва танқидий мулоҳазаларини айтдилар. Иқтилиш энг яхши маҳалла, квартал ва уй номини олиш учун социалистик мусобақа бошлаш тўғрисида район аҳолисига қарата мурожаат қабул қилди.

Бўлимнинг ташаббуси билан депутатлар кунлари ўтказилмоқда. Бундай давраларда депутатларнинг ишларини ташкил қилиш бўйича янги таклифлар муҳокама қилинади. Бўлим шу йилнинг бошида депутатларнинг сайловчилар олдида ҳисоб беришларини уюштиришда ҳам фаол қатнашди.

Жамоатчи бўлимлар ободончилик соҳасида ҳам ибратли ишлар қилдилар. Бунга маҳалла комитетлари раҳбарлик қилди.

Октябрь район Совети ижроком аҳоли ўртасида ташкилий ва маданий-тарбиявий ишларни олиб боришда даставвал маҳалла комитетларига суянади.

Ғ. АБДУРАСУЛОВ,
Октябрь район ижроия комитетининг раиси.

«АЛЛО!

— Москванн сўраётган ўртоқ, бешинчи хонага киринг!

— Фрунзе билан ўн тўққизинчи хонада гаплашасиз.

— Чита! Читани ким заказ қилган эди! Учинчи хонага киринг!

Шаҳарлараро гаплашиш пунктида ҳар 40 секундда янги суҳбатлашувчи пайдо бўлишини— телефон трубкасини кўтаришнинг ҳисоблаб чиқдик.

Бир-бирининг дийдорини кўриб суҳбатлашладиган видеотелефон ҳам бор. Тошкентдан андижонлик биродарингиз билан кўришиб турнб, гаплашишингиз мумкин.

1924 йилда бир афсонадек туюлар эди бу. Ўша вақтларда Ўзбекистонда дарҳақиқат шаҳарлараро телефон алоқаси йўқ эди.

Шаҳарда 1926 йили Тошкент билан Самарқанд орасида телефон алоқаси йўлга қўйилди. Шундан тўрт йил кейин Андижон, Қўқон ва Фарғона ҳам Тошкент билан сим орқали гаплашиш имкониятига эга бўлди.

Эсингизда бўлса керак, 30-йилларда Тошкент областлар билан шаҳар пахта йиғим-терими қизғин даврлардагина гаплашар эди. Ўша кезларда ҳатто сим орқали оператив кенгашлар ҳам ўтказилиб турилардн. Марказдан эшиттиришлар радио орқали олиб борилса, Тошкент бундан гапларни сим орқали тингларди...

ТОШКЕНТ

Улуғ Ватан урушн даврида Урта Осиёга кўпгина саноат корхоналари кўчирб келтирилди. Ишончли алоқа боғлаш ўша кезларда муҳим давлат аҳамиятига эга эди.

1941—1942 йилларда шаҳарлараро телефон станциясида тональ телеграф аппаратуралари ўрнатилди. Шу тариқа Тошкентни Куйбишев орқали Москва билан боғлайдиган 18 телеграф каналн очилди.

Буларнинг ҳаммаси Урта Осиё республикаларининг Москва, Москва орқали Озарбайжон билан телеграф алоқасини йўлга қўйишда муҳим роль ўйнадн.

Икки ой мобайнида биз 1600 километр узунликдаги линияни ишга туширдик.

ГАПИРЯПТИ»

Улуғ Ватан уруши даврндаги фидокорона меҳнатлари учун Тошкент алоқачиларидан кўпларн ҳукумат мукофотлари билан тақдирландилар.

Шаҳарлараро алоқа ишлари айниқса урушдан кейинги йилларда ва сўнгги даврда ривож топди. Ҳозирги кунда Тошкент мамлакатимизнинг ҳамма шаҳарлари ва хорижий мамлакатлар марказлари билан алоқа қилиб турадн.

Хозир «05» ёки «07» нм терсангиз кифоя: навбатчи телефонистка сизга хоҳлаган шаҳардаги ёки истаган район марказидаги керакли кишингизни чақириб беради.

А. ТИМОФЕЕВ.
Шаҳарлараро телефон станциясининг бошлиғи.

● ОЛИМЛАР ЛАБОРАТОРИЯСИДА!

Рентгенология, радиология ва онкология институтимизда яқинда онкология бўйича соғлиқни сақлаш Жаҳон ташкилотининг бошлиғи, япониялик олим Хирояма меҳмон бўлди.

У ҳамма нарса билан қизиқди. Ходимларимиз билан гаплашди, лабораторияларни айланиб, аппаратларни кўрди. Япониялик олим бу ерда ўйлаганидан кўп нарсани эшитди ва кўрди.

Хирояма меҳмонлар дафтарига қуйидаги сўзларни ёзиб қолдирди: «Институтнинг катта илмий тадқиқот мақсадига йўналтирилган ишлари билан танишганлигим менда кучли таассурот қолдирди. Унинг келажаги порлоқ эканлигига ишончим комил».

Институтимиз ҳозир йирик илмий ва ташкилий-методик марказ бўлиб қолган. Унда катта олимлар коллективи, жумладан 43 медицина фанлари докторн ва кандидати меҳнат қилмоқда. Уларнинг кўплари институтда етишдилар.

Институтнинг энг янги аппаратлар комплекси билан тўла жиҳозланган шиш касалликларини ўз вақтида аниқлаш ва медицина фанининг сўнгги ютуқларн даражасида даволашга ёрдам бермоқда.

Рентгенология бўлимида шиш ва бошқа касалликларни аниқлаш методини такомиллаштириш юзасидан асосий ишлар олиб борилди. Турли орган ва системаларни, жумладан, суяк, бўғин, ошқозон-ичак йўлларини текширишнинг янги методи ишлаб чиқилди.



Институтнинг илмий ходимлари ракнинг шиш касалликларини эрта аниқлаш ва даволаш усулларини ишлаб чиқдилар. Улар ракнинг ўпка, ошқозон, ўт пуфаги, ўт йўллари, ўт қопи, ўт пуфаги йўли, ўт йўлларининг ўсмаларини ташхислашнинг янги усулларини ишлаб чиқдилар.

Институтнинг ходимлари ракнинг шиш касалликларини ўз вақтида

ОКТЯБРЬ РАЙОНИНИНГ

„ХУРМАТ ТАХТАСИ"



Сожида ЗИЯЕВА — кўи-мўйна заводи мўйна цехининг бичиқчиси, коммунистик меҳнат зарбдори. Ишлаб чиқариш топшириқларини ҳамиша ортиғи билан сифатли адо этади. Корхонанинг жамоат ишларида актив қатнашади.



Юрий Викторович КОЗЕЛ — «ТашЗНИИЭП» лойиҳалаш институтининг бош конструктори. Унинг раҳбарлигида уй-жой, мактаб ва болалар муассасалари ва бошқа бинолардан кўпгинасининг типовой лойиҳалари ишлаб чиқилган.



Рўзи ТОҒАЕВ — 2-«Отделстрой» трести 11-қурилиш бошқармаси сувоқчилар бригадасининг бошлиғи. У «Республикада хизмат кўрсатган бинокор», Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳожи Қосимовнинг шогирди.



Абдураҳим Тўлаганович ТЎЛАГАНОВ — радиодеталь заводининг созловчиси, коммунистик меҳнат зарбдори. Корхонада ишлаган йилларида мобайнида кўплаб юқори малакали ишчилар тайёрлади. Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган.



Саноат ИЎЛДОШЕВА — пиллакашлик фабрикасининг ишчиси, коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи. У раҳбарлик қилаётган бригада пландаги 53 процент ўрнига 80 процент маҳсулотни биринчи сортга топширмоқда.



Надежда Николаевна АРУТЮНОВА — 6-пиво заводининг бош пиво тайёрловчиси. У раҳбарлик қилаётган мутахассислар пивонинг сифатини ошириш соҳасида катта ишлар қилмоқдалар.



Мирзаабдулла МИРЗААҲМЕДОВ — 2-нон заводининг уй эловчиси, коммунистик меҳнат зарбдори. Ишлаб чиқариш топшириқларини ҳамиша 120-125 процент адо этиб, юқори сифатли маҳсулот тайёрлаяпти. Корхонада ишлаган йилларида ўн беш кишини уй эловчилик касбига ўргатди.



Николай Павлович ЕМЕЛЬЯНОВ — «Ремебель» комбинатининг дурадгори, коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи. У раҳбарлик қилаётган коллектив Улуғ Октябрь революциясининг 50 йиллиги шарафига олган оширилган мажбуриятларини муваффақиятли бажармоқда.

Бинокорлар совғаси

«1967 йил — юбилей йилида тикланган».

«Главташкентстрой» 2-уйсозлик комбинати техник гувоҳномасида шундай ёзув бор. Шу йилнинг биринчи апрелида 2-уйсозлик комбинати дастлабки маҳсулот — уй-жойлар учун йирик панеллар тайёрлаб чиқара бошлади.

Ярим йил кейин — 1 октябрда комбинат шаҳар қурилиш майдонларига 18 ярим минг кубометр бетон ва 6176 кубометр темир-бетон буюмлар етказиб берди.

Ҳозир Қорақамиш кварталларида 72 квартирали йирик панелли уйлардан ўн саккизтаси барпо қилинмоқда. Бу ерда пойдевор қўйишдан тортиб, пардозлашгача бўлган ҳамма ишлар комбинат коллективининг кучи билан бажарилмоқда.

Бу ишларда Николай Семенчук ва Владимир Первушин бошлиқ монтажчилар бригадаларининг хизмати катта. Улар шу кеча-кундузда смена нормаларини 150—170 процент адо этишмоқда.

Ҳозирги кунда маҳсулот ишлаб чиқараётган корхона ёнида комбинатнинг иккинчи навбат қурилиши ҳам бошлаб юборилди. Унинг лойиҳа бўйича қуввати 140 минг квадрат метр. У йилига шунча уй-жой бинолари қуриб бера олади.

Бу озми, кўпми? Мана бу рақамларга эътибор қилинг: 72 квартирали уйлардан 64 та, бутун бошли бир шаҳарча! Бу ердаги қурилиш ишларини келгуси йили тугаллаш кўзда тутилмоқда.

— Бизнинг коллективимиз, — дейди комбинат бош инженерининг ўринбосари М. С. Нуриев, — шаҳарнинг шимоли-шарқида тикланаётган уйларга ўхшаш иморатлар қуради. Ҳозир бу ерда 20 та уйга пойдевор қўйилди. Қорақамиш массивида эса, 18 уйдан дастлабкиси яқин кунларда фойдаланишга топширилади. Бу, халқаро байрамга юбилей йилининг қурилиш индустрияси тўнғичи коллективи тайёрлаб берган илк совға бўлади.

Э. ҚОДИРОВ.



Солих ТОЛИПОВ — 2-пойафзал фабрикасининг бичиқчиси. Ҳозир у беш йилликнинг учинчи йили ҳисобига ишламоқда. Пойафзал бичишда рациональ усулларга амал қилганлиги натижасида кўпгина чарм тежаб қолмоқда.



Мавжуда РАШИДОВА — заргарлик фабрикасининг ишчиси. Октябрь район ҳурмат тахтасига ёзилган энг ёш меҳнаткаш. Ярдигина ўн етти баҳорни кўрди. Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги шарафига Октябрь ойи топшириғини бир ярим баравар бажарди.



Носиржон Турсунбоевич УМАРОВ — бригадир. Бригада Қорақамиш массивида ҳушҳомат уй-жойлар тикламоқда. Н. Умаров бошқараётган коллектив 1968 йил ҳисобига ишламоқда.



Михаил Андреевич ЕГОРУШКИН — «Ирмонтажстрой» трести қурилиш-монтаж бошқармасининг дурадгори. Юбилей шарафига вахтада туриб ишлаб, ойлик топшириқларини 140-150 процентга етказиб адо этяпти.

Эски шаҳарнинг янги қиёфаси

Архитектор билан суҳбат

Эски шаҳар... Деразалари ҳовлига қаратилган бир қаватли уйлар бу ерда ҳали ҳам кам эмас. Автомашиналар юришга қийналадиган тор кўчалар ҳам анчагина... Йиллар, ўн йиллар мобайнида тикланган мана шу иморатлар ўтмишдан мерос бўлиб қолди.

Шаҳарнинг бу қисми яқин йиллар ичида қандай бўлади?

Бу савол шаҳарликларни, айниқса Октябрь районида истиқомат қилаётганларни қизиқтиради.

Мухбиримиз «Ташгипрогор»да бўлиб, мана шу масала юзасидан Эски шаҳарнинг биринчи навбат қурилиши лойиҳасининг бош архитектори Александр Ткаченко билан суҳбатлашди.

— Ҳозир Тошкентнинг ҳоҳ марказида бўлсин, ҳоҳ унинг атрофида бўлсин — ҳамма ерда қурилиш авж олиб кетди. Унинг суръати ва кўлами нишини ҳайратда қолдиради, — дейди Александр Николаевич. — Октябрь районида ҳам қурилиш ишлари жадаллаштириб юборилди. «Ц-13», «Ц-15» микрорайонларда шундай манзарани яққол кўриш мумкин.

— М. ГОРЬКИЙ КЎЧАСИНИНГ КЕЛАЖАГИ ҚАНДАЙ?

